

Аллоҳнинг мўъжизаларидан бири — «шайтон балиқ»



17:00 / 26.02.2022 4269

Бугунги кунда ушбу сувда яшовчи балиқнинг ўн икки оилага мансуб тахминан, 170 тури мавжуд. Бу балиқ денгиз сатҳидан 300 метрдан 5000 метргача бўлган чуқурликда яшагани учун ҳам уни кузатиш бироз мушкул. Олимлар балиқнинг янги турларини кашф этмоқдалар. Унинг ташқи кўриниши қандай бўлса ҳам у денгиз тубида яшовчи митти жонзотлар учун энг даҳшатли йиртқич балиқ ҳисобланади. Ушбу балиқнинг бошқа сув ҳайвонларидан ажратиб турадиган хусусияти шуки, унинг бош қисмида ўсимта мавжуд бўлиб, унинг учи худди фонарга ўхшаб нур таратади. Ўлжаларни ўзига жалб қилишда бу сув жонзоти ёритгичидан фойдаланади. Бу жонзотлар жим туриб атрофдаги митти жонзотларга хавф солувчи овчилар ҳисобланади.

Маълумотларга кўра, бу овчи балиқ ўлжасини қўлга тушириш учун ҳаракатланмас, балки бечора ўлжани жимгина кутиб ётар экан. Унинг ёруғлик таратиб турган ўсимтасига маҳлиё бўлиб турган кичик балиқлар унинг ўлжасига айланар экан. Баъзи олимлар уни «ер юзидаги энг ёқимсиз жонзот» деб аташади. Жонзотнинг бошидаги ўсимтадан таралаётган ёруғлик денгиз тубида 800 метр узоқликдан кўриниб туради. Бу балиқ аъзосидаги нурнинг ҳосил бўлишига ёруғлик таратувчи бактериялар

(яъни, Luminescent bacteria) хизмат қилади. Бу бактериялар мазкур аъзонинг ўзида жойлашган бўлади. Аслида бунга ўхшаш бактериялар инсонларда ҳам бор. Бироқ нур хира бўлганлиги учун у қадар бизга сезилмайди. Баъзилар унинг ташқи кўринишига қараб уни «Шайтон балиқ» деб аташган экан.

Энди шайтон балиқнинг ғаройиб кўпайиши ҳақида сўз юритсак.

Шу балиқнинг эркаги урғочисидан тахминан 10 мартаба кичик. Эркак балиқларнинг жамоа ичида насл кўпайтиришдан бошқа вазифаси йўқ экан. Кўшилишдан аввал эркак балиқ урғочисини тишлаб олади. Кейин урғочи балиққа сингиб кетиши учун эркак балиқ махсус суюқлик ишлаб чиқаради. Шу аснода эркак балиқ урғочи балиқнинг танасига бутунлай ёпишиб, охирида иккаласи битта қон тизимидан нафас оладиган жонзотга айланиб кетади. Худди жарроҳлик амалиёти орқали баъзи аъзоларни танага экишга ўхшаб, эркак балиқ урғочи балиқнинг бир қисмига айланиб қолади.

Ушбу ҳолат ҳақида 2020 йилда Science журналида мақола эълон қилинган бўлиб, унинг қисқача мазмунида эркак ва урғочи балиқларнинг ноодатий кўпайиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Бир дона урғочи балиқ бир вақтнинг ўзида кичик жойга миллионлаб тухум қўйиши мумкин. Урғочиларининг оғирлиги 40 кг, узунлиги икки метрга етади, эркаги эса ундан анча кичик бўлади. Шайтон балиқнинг фан тилидаги номи Lophiiformes дея номланади. Балиқнинг оғзи катта, ошқозони кенг бўлгани учун ҳам ўзига нисбатан уч баробар кўп озуқани ейиши мумкин.

Маълумки, денгиз тубига шўнғиган сари сув босими ортиб боради. Шунинг учун ҳам ғаввослар сув остига шўнғиганларида у қадар чуқурликка тушмайдилар. Чунки инсон меъёрдан ортиқ босимга бардош бера олмайди. Дунёдаги энг чуқур жойларига инсон тушмоқчи бўлса, махсус қурилма бўлмиш батискафда тушади. Биз сўз юритаётган шайтон балиқ эса ҳеч қандай қурилмаларсиз, беш минг метр чуқурликларда яшайди. Аллоҳ таоло бу жонзотни шундай катта босимга бардошли қилиб яратган. Балиқнинг ҳаётини ўрганганимиздан сўнг Роббимизнинг ушбу ояти ёдимизга келади:

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰطَالَ لَبِّهٖ وَاُوْدِنَ نِيْٓدْلَٖ قَلَّخَ اٰدَامَ يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰطَالَ لَبِّهٖ وَاُوْدِنَ نِيْٓدْلَٖ قَلَّخَ اٰدَامَ

«Бу Аллоҳнинг яратганидир. Қани, Менга кўрсатинг-чи, Ундан бошқалар нимани яратдилар. Йўқ! Золимлар очиқ-ойдин

адашувдадирлар». (Луқмон сураси, 11-оят).

Яъни, юқоридаги оятда зикри ўтган мавжудотларни, шунингдек, биз сўз юритган балиқни ҳам Аллоҳ таоло яратгандир. Худо бўлгани учун У Зот шуларни яратган. Сизлар, эй мушриклар, Аллоҳдан бошқа яна худолар бор, деяпсизми? Агар улар сиз айтганингиздек, худо бўлса, қани, айтинг-чи, улар нимани йўқдан бор қилиб, яратганлар? Улар яратган нарсаларни кўрсатинглар-чи!

«Йўқ! Золимлар очиқ-ойдин адашувдадирлар».

Йўқ, у сохта худолар ҳеч нарсани ярата олмаслар. Аллоҳга ширк келтириш ила катта зулм қилган мушриклар очиқ-ойдин адашувдадирлар.

Фойдаланилган манбалар:

«Тафсири Ҳилол» китоби

<https://ar.wikipedia.org/wiki>

<https://arabfish.net>

<https://www.aljazeera.net>

<https://www.animals-wd.com>

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси

Муҳаррир Хуршид Маъруф